ANDIJON IQTISODIYOT VA QURILISH INSTITUTI
O‘zbekistonda iqtisodiyotni raqamlashtirish va biznesni qo’llab-quvvatlash jarayonlarini rivojlantirish muammo va yechimlar
EYIB
EDUCATIONAL YIELD INSIGHTS & BREAKTHROUGHS

КАМБАҒАЛЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ АСОРАТИДАН ФАРОВОНЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ САОДАТИГАЧА

Абдуғаниев Я.Ж — *Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси ўқитувчиси*

Юсупов Н.С. — *Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси ўқитувчиси*

Annotatsiya

Ушбу мақолада камбағалликнинг ижтимоий асоратлари ҳақида, шунингдек, камбағалликдан чиқиш, фаровонликка эришишга доир тажрибалар, олимларнинг тавсиялари, мақбул иқтисодий қарашлар ўрганилган.

Kalit so‘zlar: Камбағаллик, ер ресурслари, таълим, саводсизлик, фаровонлик, “фриланс”, ишсизлик, бандлик, иқтисодий ўсиш

Ўзбекистон тарихида илк бор камбағаллик масаласи 2020 йилнинг 24 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида кўтарилиб, мазкур мавзу давлатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишига айланди. Аввалари “кам таъминланган”, “эҳтиёжманд” ёки “ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами” каби атамалар билан ниқобланган камбағаллик сўзидан уялиш эмас, уни бартараф этиш ва қисқартириш чораларини кўриш ҳукумат даражасида англаб етилди. Камбағалликни қисқартириб бориш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Камбағалликни қисқартириш тушунчаси билан иқтисодий ўсиш бир-бирига мутаносиб иборалардир. Зотан, ресурсларнинг қай даражада кўп бўлиши камбағал қатламга ёрдам кўрсатиш имкониятларини ва манбаларини шу даражада оширади. Камбағалликка қарши глобал ечим бу барқарор иқтисодий ўсишдир.

Ишсизлар бандлигини таъминлаш камбағалликни камайтириши мумкин. Бироқ, иш билан банд бўлган аҳоли орасида камбағал қатламнинг ҳам учраши табиийдир ва бундай тоифалар жаҳоннинг бошқа давлатларида ҳам учрайди. Қайсики, меҳнат билан банд бўлган кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий шароити яхшиланмаса бу камбағалликнинг асорати ҳисобланади.

Бунда муаммонинг ечими, яъни камбағалликдан чиқиш фақатгина иш билан эмас, балки одамларга яхши даромад келтирадиган ва ўзини

ривожлантирадиган ишлар билан ҳал этилади. Бошқача айтганда, бойлик камбағаллик муаммосини ҳал қилишнинг энг муҳим воситаси саналади.

Камбағаллик нисбий тушунча бўлиб, у ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида меҳнат қилиш, зурриёд қолдириш, ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳларнинг иқтисодий ҳолатларини ифодаловчи ҳолатдир.

Камбағаллик тушунчаси ўзининг умумий ва ягона таърифига эга эмас. Айрим манбалар камбағаллик деганда, инсоннинг озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим ва соғлиқни-сақлаш каби бирламчи эҳтиёжларини қондириш имкониятининг мавжуд эмаслигини илгари сурсалар, яна бошқа тадқиқотларда – танлов эркинлигининг етарлича эмаслиги ёки кунига 1,90 доллардан кам миқдорга кун кечиришни, учинчи томон эса – инсоннинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокига путур етказувчи ижтимоий, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги тўсиқлар доимийлигини тушунадилар[10].

Камбағаллик – кишилар турмуш тарзи ва ҳаёт фаолиятидаги моддий етишмовчиликлардан ташқари ижтимоий асоратларга ҳам олиб келадики, аксарият мамлакатлар ҳукуматларининг ижтимоий-иқтисодий сиёсати айнан мазкур омилларни минималлаштиришгақаратилади.

Демак, камбағалликнинг белгилари сифатида биринчи ўринда ишсизлик, шахсий уйининг йўқлиги, тўйиб овқатланмаслик, саводсизлик, кейинги ўринларда эса сурункали касалликларнинг кўп бўлиши, болаларнинг мактабга бормаслиги, мавсумий бандлик, гўшт ва тухумнинг кунлик меъёрлардан кам истеъмол қилиниши, болаларнинг касалликдан вафот этиши ва болаларнинг даромад топиш учун меҳнат қилиши кабилар қайд этилади.

Ўзбекистонда 2024 йил учун ҳисобланган минимал истеъмол харажатлари миқдори 568 минг сўмдан 621 минг сўмгача (9,3 фоизга) оширилиб, камбағаллик чегарасини аниқлаш учун ишлатиладиган ушбу қиймат бир кунлик 20,7 минг сўмга тенг бўлган. Бунга қадар, камбағаллик чегарасини аниқлаш мақсадида фойдаланилаётган ушбу кўрсаткич сўнгги марта 2023 йил июль ойида 498 минг сўмдан 568 минг сўмгача оширилган эди.

Статистик маълумотларга мурожаат қилинганида, Ўзбекистонда 2023 йилнинг якунида 1 307,8 минг камбағал оила мавжуд бўлиб, камбағаллик даражаси 14,1 фоизни ташкил этган. 2022 йилда бу кўрсаткич 17 фоизга тенг бўлган. Яъни тегишли чора тадбирлар самараси ўлароқ, камбағаллик миқдорини бир йил ичида 3 фоизга камайтиришга муваффақ бўлинган.

2024 йил якунига қадар камбағаллик даражаси 14,1 фоиздан (1 307 минг оила) 12 фоизга (1 180 минг оила) туширилиб, 130 мингга яқин оилани, яъни 1 млн аҳолини камбағалликдан чиқариш режалаштирилган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Биз ўрганаётган ушбу мавзу доирасида кўплаб мутахассис олимлар тадқиқотлар олиб борган бўлиб, жумладан G.S.Fields, камбағалликни қисқартиришга эътибор қаратиш билан бирга, даромадлар ва активларни қайта тақсимлаш сиёсати ҳамда аҳоли жон бошига даромаднинг ўсиши, умуман камбағалликни қисқаришига олиб келади, деган хулосага келган [1].

https://eyib.uz

Bourguignon эса камбағалликнинг ўсиш эгилувчанлигини иқтисодий ривожланишнинг бошланғич даражаси ва даромадлар тенгсизлиги билан боғлаш орқали изоҳлашга уринган [2].

N.Birdsall ва J.L.Londonoларнинг қарашларида, бугунги кунга келиб ер ресурслари ва таълим каби активларнинг бошланғич тенгсизлигини назорат қилиш, даромадлар тенгсизлиги ўсиш имкониятларини кенгайтириш ёки камайтиришда энди роль ўйнамаслиги қайд этилади[3].

Юқорида фикр-мулоҳазалари ва қарашлари муҳокама этилган мутахассис олимларнинг ёндошувларидан кўриниб турибдики, улар камбағалликни қисқартиришда даромадлар ва активларни қайта тақсимлаш ҳамда ер, таълим каби ресурслардан нотекис фойдаланишига эътибор қаратишган бўлиб, айнан камбағалликни камайтириш билан иқтисодий ўсиш ўртасидаги узвий алоқадорлик ҳақида тадқиқот олиб борилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур мақоламизда мамлакатимиз иқтисодиётида камбағаллик даражасининг конъюнктураси билан боғлиқ жараёнлар ҳақида мулоҳазаларимизни баён этиш билан бирга қиёсий таҳлил учун хорижий давлатларнинг мавзу доирасидаги тажрибаларидан фойдаланилган ҳолда камбағалликнинг ижтимоий асоратлари ва фаровонликнинг иқтисодий фароғатлари хусусида солиштирма маълумотлар тадқиқ этилган.

Таҳлил натижаларининг мантиқий хулосаси, иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатда шаклланган ўзбекона ҳаёт тарзи ва хўжалик юритиш усулларида қайд этилган “Бой бўлиб болтаси йўқ, гадой бўлиб - халтаси” [4], - деган нақлга қарама-қарши ўлароқ, макроиқтисодиётнинг муайян бир тармоқларда камбағалликни қисқартириш ва кундалик турмуш тарзини иқтисодий жиҳатдан яхшиланишига эришган одамлар сонининг ошишига олиб келишини ифодалашда ёрдам берди.

Таҳлил ва натижалар. Англиянинг Legatum Institute халқаро таҳлилий маркази дунё мамлакатларининг фаровонлик даражаси бўйича навбатдаги Legatum Prosperity Index 2023 рейтингини эълон қилди. Ўзбекистон ушбу рейтингда дунёнинг 167 давлати орасида 100-ўринни эгаллаган. Бу Марказий Осиё давлатлари орасида учинчи кўрсаткич: Қозоғистон 69-ўринда, Қирғизистон 94-ўринда, Туркманистон 107-ўринда ва Тожикистон 113-ўринни банд этган [5].

Тадқиқот натижаларига кўра, Скандинавия мамлакатлари - Дания, Швеция ва Норвегия дунёдаги энг гуллаб-яшнаган давлатлар ҳисобланади. Энг фаровон мамлакатлар бешталигига Финляндия ва Швейцария ҳам киритилган. Рейтингдаги сўнгги ўринлар Сомали, Афғонистон, Марказий Африка Республикаси, Яман ва Жанубий Суданга берилган.

Фаровонлик индекси 2006 йилдан бери дунё мамлакатлари эришган ютуқларни уларнинг гуллаб-яшнаши нуқтаи назаридан ўлчайдиган композит кўрсаткичдир. Индекс жамиятнинг турли жиҳатлари ва ижтимоий фаровонлик параметрларини акс эттирувчи 12 тоифага бирлаштирилган кўплаб турли кўрсаткичлар асосида тузилган.

Ўзбекистоннинг ушбу параметрлар бўйича ўрни қуйидагича:

https://eyib.uz

- ижтимоий капитал (46-ўрин);
- соғлиқни сақлаш (49-ўрин);
- хавфсизлик (53-ўрин);
- таълим (73-ўрин);
- иқтисодиёт сифати (79-ўрин) ;
- яшаш шароитлари (103-ўрин);
- инфратузилма ва бозорга кириш имконияти (104-ўрин);
- инвестиция муҳити (107-ўрин);
- ишбилармонлик муҳити (121-ўрин);
- давлат бошқаруви (123-ўрин);
- шахсий эркинликлар (147-ўрин);
- атроф-муҳит (162-ўрин).

Ривожланаётган мамлакатлараро тадқиқотларнинг анъанавий ҳисоб-китобларига кўра, мамлакатнинг ўртача даромадини 10 фоизга ўсиши камбағаллик даражасини 20 дан 30 фоизгача камайтиради[6]. Таҳлиллардан аниқланишича, аҳоли жон бошига даромаднинг ўртача бир фоизга ошиши қашшоқликни 1,7 фоизга қисқартирди[7].

Сўнгги 10 йил ичида жаҳон иқтисодиётидаги кучли ўсиш ҳозирда дунёнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг аксарияти иш билан банд эканлигини англатса-да, дунёнинг ҳар бир минтақасида, ёшларнинг ишсизлиги асосий муаммо бўлиб қолмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ёшлар бутун дунё бўйлаб меҳнатга лаёқатли аҳолининг 25 фоизини, аммо ишсизларнинг 47 фоизини ташкил қилади[8].

Статистикага кўра**, Ўзбекистонда ишсизлик даражаси 2023 йилда 8,4 фоизни ташкил этган. 2022 йилда бу кўрсаткич 8,9 фоиз** 2019 йилда ишсизлик даражаси 9,1 фоизни ташкил этган. Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба иқтисодиётнинг расмий секторида банд кишилар сони 300 мингдан ортиб, ишга жойлашишга муҳтож аҳоли сони 1 342,6 минг кишига етган. Ёшлар орасидаги (30 ёшгача) ишсизлик даражаси 15,1 фоизни, 15-25 ёшдагилар ўртасида – 16,8 фоизни, аёллар орасида эса 12,7 фоизни ташкил этди [9].

Камбағаллик муаммосини ҳал этиш ва тадбиркорликни ривожлантиришда ишсизликни камайтириш давлат сиёсати даражасида экан, бугунги рақамли иқтисодиёт шароитида иш билан бандликнинг фриланс каби замонавий усулларини тадбиқ қилиш йўлларини ишлаб чиқиш зарур деб ўйлаймиз.

Фриланс ўзи нима? Фрилансер сўзи инглизчада “freelancer” – штатсиз ишчи, хусусий мутахассис маъносини англатиб, буюртмачи томонидан тайинланган бирор хизматни кўп ҳолларда масофадан туриб бажаради ва иш берувчининг доимий ишчи-ходими саналмайди. Буюртмачи (иш берувчи) билан масофадан туриб боғланади, кўп ҳолларда ижтимоий тармоқлар орқали, электрон почта, “Skype”, “whatsapp”, “telegram” ва бошқа шу каби платформа ва иловалардан фойдаланади.

Иш билан бандликнинг фриланс шаклининг афзаллиги - ишчи ҳам, иш берувчи учун ҳам иш вақтидан оқилона фойдаланишдир. Иш билан бандликнинг фриланс ва масофавий ишлаш каби замонавий шакллари чегаралар ва узоқ

https://eyib.uz

масофалар билан чекламасдан исталган макондан иш берувчилар билан меҳнат муносабатларини йўлган қўйиш имконини беради [11].

Иш берувчи фрилансерни ишга жалб қилганда унинг маълумоти, ташқи кўриниши, ёши ёки жинсига эътибор қаратмайди ва аксинча асосий эътиборини бажарилган ишлари тақдимоти асосида иш тажрибасига қаратади. Фриланснинг асосий камчиликлари сифатида эса норасмийлик ва расмий ишсизликнинг ривожланиши деб қараш мумкин, чунки меҳнат муносабатлари ҳар доим ҳам расмийлаштирилмайди, бунинг натижасида ходим низолар юзага келганда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаслиги хатарлари мавжуд [14].

Бугунги кунда нафакат мамлакатимизда балки бутун жаҳон миқёсида фриланс ривожланиши учун шароит яратилибгина қолмай балки, талаб ҳам ортиб бормоқда. АҚШ ва Европада фриланс айниқса яхши ривожланган бўлиб, ахборот технологиялари дастурчиси, интернет веб-дизайнери, копирайтер мутахассислар, маркетологлар, реклама менеджерлари, инженер, архитектор, аутсорсер, молиявий консультант, бизнес тренер, чет тилларини онлайн ўргатувчи ўқитувчилар каби келажак касбларига талаб кундан-кун ортиб бормоқда. Юқоридаги мутахассисликларга эга фрилансерлар www.freelancer.com, www.upwork.com каби бир қатор фриланс биржаларига рўйхатдан ўтадилар ва ўзларига маъқул буюртмаларни қабул қиладилар [13]. Ўзбекистонда эълон берувчи сайтларни ҳисобга олмаганда бундай фриланс биржалар йўқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда фриланс биржаларнинг яратилиши иш билан бандликнинг бу каби инновацион шаклларининг ривожланишига турки бўлади.

Хулоса. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда аҳолининг камбағал қатламларини иш билан таъминлаш, ана шундай оилалар даромадларини ошириш ва уларни тадбиркорликка жалб қилиш орқали кмбағал қатламлар салмоғини қисқартиришга эришиш иқтисодий сиёсатнинг марказий бўғинини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-330-сонли Қарори айни шу соҳада туб бурилишларнинг янги тўлқинини вужудга келтирадиган тарихий ҳужжат бўлди.

Зотан, Президент таъбири билан айтганда “Бундан буён камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланади”. Камбағал оилалар ва ночор қатламларга мунтазам равишда моддий кўмак ёки молиявий ёрдам кўрсатилиб, пул маблағлари тарқатилиб турилса, бу муаммога ечим топиш мумкин, дегани эмас. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш стратегияси кишиларда тадбиркорлик руҳини уйғотиш, ишбилармонлик кайфиятини хосил қилиш, янги иш ўринлари яратиш бўйича тизимли иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишга асосланади. Шунингдек, камбағалликдан чиқиш учун энг муҳим омил – бу оилани, оиладаги шахсларни камбағалликнинг асоратларидан қутилишга бўлган хоҳишлари, ўз кучига таянган ҳолда, фаровонлик сари интилишлари, аниқ мақсадлар томон ҳаракатлари бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз.

https://eyib.uz

Foydalanilgan adabiyotlar royhati.

1. 2019-йил I ярим йиллик якунлари. Бандлик масаласини ўрганиш, шунингдек, ишга жойлашишга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш натижалари бўйича статистик маълумотлар

2. Bourguignon, F. (2002) “The growth elasticity of poverty reduction: explaining heterogeneity across countries and time periods”. presented at the conference Growth and Inequality: Issues and Policy Implications organized by CESifo in Munich, Germany.

3. Birdsall, N. and J.L. Londono, ‘Asset Inequality Matters: An Assessment of the World Bank’s Approach to Poverty Reduction’, American Economic Review, 87(2), AEA Papers and Proceedings: 32-37.

4.https://ziyouz.uz/hikmatlar/ozbek-xalq-maqollari/farovonlik-va-yetishmovchilik-haqida-maqollar/

5. Adams, R Economic Growth, Inequality and Poverty: Findings from a New Data Set, Policy Research Working Paper 2972, World Bank, and Ravallion, M and S Chen ‘What Can New Survey Data Tell Us about Recent Changes in Distribution and Poverty?’ World Bank Economic Review, 11(2): 357-82

6. Operationalising Pro-Poor Growth (OPPG) Programme (2005), ‘Pro-Poor Growth in the 1990s: lessons and insights from 14 countries’

7. Global Economic Prospects, 2017

8.https://mehnat.uz/oz/article/2019-yil-iyarimyillik-yakunlari-bandlik-masalasini-organish-shuningdek-ishga-joylashishgamuhtoj-aholi-sonini-aniqlash-natijalariFields, G.S. “Changes in Poverty and Inequality in the Developing Countries”, mimeographed paper.

9.https://yuz.uz/news/ozbekistonda-kambagallik-darajasi-kambagallikni-kamaytirish-uchun-nima-qilish-kerak

10.https://rgsbm.uz/uploads/docs/55288f7fd1caf46a97455e5e34fd15c8.pdf (204-бет)

11.https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a21

12.Saidturaevich, Y. N. M. (2024). Priorities and Requirements of the Transition to the “Green Economy” in the Conditions of Uzbekistan. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, *3*(1), 582-585.

13.Saidturaevich, Y. N. M. (2024). The Development of Tourism Activity and its Role in the World Economy. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, *4*(4), 241-243.

14.Yusupov, N. S., Qosimjon o‘g‘li, S. A., & Akramjon o‘g’li, A. A. (2024). INVESTITSION LOYIHALARNI MUVAFFAQIYATLI AMALGA OSHIRISHDA ZAMONAVIY BOSHQARUVDAN SAMARALI FOYDALANISH YO ‘LLARI. *Journal of new century innovations*, *54*(2), 106-109.

15.Saidturaevich, Y. N. M. (2024). The Effect of Organizing Tourism Activities in Villages on the Expansion of Tourism Networks in Our Country. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, *4*(5), 204-207.

16.Saidturaevich, Y. N. M. (2024). PROSPECTS OF AGRICULTURAL DEVELOPMENT THROUGH AGRO-TOURISM. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, *21*(4), 179-182.

17.Saidturaevich, Y. N. M. (2024). Analysis of Development and Shortcomings in Local Tourism in the Republic of Uzbekistan. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, *4*(5), 127-129.

18.Yusupov, N.S., 2024. TADBIRKORLIK FAOLIYATIDA LOYIXAVIY BOSHQARUVNI RIVOJLANTIRISH TENDENSIYALARI VA ISTIQBOLLARI. *PEDAGOGS*, *59*(1), pp.202-207.

19.Yusupov, N. (2023). QISHLOQ XO‘JALIGINI RIVOJLANTIRISHDA INVESTITSION FAOLIYATNI O‘RNI VA AHAMIYATI. *Евразийский журнал технологий и инноваций*, *1*(4), 146-150.

20.Sh, B. S., & Abdug'aniev, Y. J. (2024). Youth Entrepreneurship and its Socio-Economic Advantages. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, *4*(4)